

ЗЕБО НУРМОНОВА

**НУРГА ОШИҚ
ДАРАХТМАН**

Шеърлар

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 821.512.133
КБК: 84(5Ў)7
Н – 87

Н – 87 **Нурмонова, Зебо**

Нурга ошиқ дарахтман: Шеърлар – Т.:
«Sharq», 2014. – 48 б.

ISBN 978-9943-26-221-8

УЎК: 821.512.133
КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-26-221-8

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош тахририяти, 2014.



АДАБИЁТ

Адабиёт – кўнгил ичра тараққиёт,
Адабиёт – истак эрур энг мусаффо.
Адабиёт – ёвузликни енгган ҳаёт,
Адабиёт – энг аввало сўзга вафо.

Адабиёт нарвон эмас мансаб учун,
Адабиёт – адолатга элтар йўлак.
Адабиёт ваъда эмас узун-узун,
Адабиёт – ёниб турган олов юрак.

Адабиёт – оқиб кетар дарё эмас,
Адабиёт – Навоийнинг сиёҳдони.
Адабиёт ҳақиқатни инкор этмас,
Адабиёт қутқаради бу дунёни!!!





ВАТАН

Ассалому алайкум, қуёш,
Нурларингга ошиқ дарахтман.
Юрагингдан сув ичир, тупроқ,
Мен Тангридан иноят бахтман.

Пешонамга битилган воҳам,
Минорларга ватан Хоразм.
Мозий макон этган саройлар,
Чинорларга ватан Хоразм.

Туялари ортиб дунёнинг,
Юрагимга из солар карвон.
Саодатли манзилга элтар
Ўзбегимни ул одил сарбон.

Тушларимга кириб Тўмарис,
Онанг ғамларини арит дер.
Ҳузурига бошлаб қуёшнинг,
Халқинг йўлларини ёрит дер.

Пешонамга битилган воҳам,
Минорларга ватан Хоразм.
Мозий макон этган саройлар,
Чинорларга ватан Хоразм.





ЎЗИГА ИЛТИЖО

*Дардинг ортганда, Худо деб, бўзлагил,
Ҳар не истарсен, Худодин излагил...*

Жалолиддин Румий

Бунда бор ёлғизлик, соғинч, изтироб,
Бу ғашлик боримни айлади беҳол.
Кўнглимга дунёлар сиғмай кетади,
Ўзинг бир Нур бергин, Нур бер безавол...

Дунё ёлғон бўлса, бахт армон бўлса,
Мени ёлғонларга қўйма бир нафас.
Мен кимга яқинман ўзингдан бўлак,
Ўзинг бир Ишқ бергин, Ишқ бер муқаддас...

Ўрганган бу кўнглим ўртаниб қўймас,
Ўша шўр тупроқнинг “ҳаво”син излаб.
Такрор қайтавергум меҳр уйимга,
Онамни мен учун Ўзинг қўй асраб...

Бахтинг кулсин дерлар, тахтлар тиларлар,
Аммо ҳеч бирига исимас кўнги.
Отамнинг дуоси асрайди мени,
Ўзинг шу отамга саодат бергил...

Бўйим тенги тилло, зарлар сочдилар,
Асло ерда қолмас бир оғиз сўзим.
Эҳ, бу илтифотлар... бари ўткинчи,
Ҳалол ризқ-насиба ато эт Ўзинг...



У БИР НУРКИ...

*Бахти кулган барча инсонлар билур,
Кибр – Иблис, Ишқ – Одамдин келур...*

Жалололдин Румий

Нурни ичиб қўйди кўзларим,
Ёришиблар кетди дунёйим.
Соғиняпман сизни ичикиб,
Иккимизга бахт бер, Худойим.

Севдик дедик, севаман дедик,
Севишиб ҳам юрибмиз шундай.
Бизки шундай турсак ёнма-ён,
Юрагимиз ёришар кундай.

У бир нурки, сув ва ҳаводай,
Бир гул каби муштоқман унга.
Мен севгимни бердим ва охир
Муҳаббати нурли афсунга.

Севдик дедик, севаман дедик,
Севишиб ҳам юрибмиз, зотан
Ишқ – Одамнинг иноятидур,
Гарчи мен ҳам одамийзотман...



* * *

Кечгим келар баъзида
Бу сохта дунёсидин,
Қониб ичолса руҳим
Ишқи илоҳ жомидин.
Бу дунёйи нафсимни
Ўзи қилса мағфират,
Тўрт томондан ёприлиб
Келса илму маърифат.
Ўзга даврон не ҳожат
Кашф этолсам ўзимни,
Зарлар эмас, зиёга
Тўйинтирсам кўзимни.
Ишқсиз умр не ҳожат –
Севдим. Иқрорим ошкор.
Англадимки, Ўзига
Шаксиз севилмоқ даркор.
Бизга эмас ошиқнинг
Пойларига йиқилмоқ,
Маъшуқа оразининг
Ҳайратидин йиқилмоқ.
Учсам етти чарх узра
Бўлиб Ишқнинг шамоли,
Ой юзида акс этса
Боқий Ҳақнинг жамоли,
Инонмам аҳли ошиқ
Кечдим деса жонидин,
Жондин кечмоқ осонмас –
Кечса ҳамки молидин.



Бозори майдон ичра
Мол савдоси бир баҳо,
Муҳаббат майдонида
Ишқ савдоси бебаҳо!
Зотан, жон томиридин
Яқинроқдир бизга Ҳақ,
Жондин кечмоқ осонмас
Севолсак Уни мутлақ.
Кечмоқ учун на молим,
На бир хонумоним бор.
Асло кечмам жонимдин,
Маним ишқда шоним бор...



* * *

Оллоҳ берган умрнинг
Қаерида турибман –
Мен ўзимни топишга
Вақт тополмай юрибман.
Омад дедим, бахт дедим,
Пешонадан кўрибман.
Манзиллар бекатининг
Қаерида турибман?
Ҳаёт бол берса тотиб,
Севинтирди тўқчилик.
Онам, сиздан йироқда
Тўйинтирди йўқчилик.
Онам берган муҳаббат
Яради ҳар онимга,
Мен-чи кўз ёшдан ортиқ
Беролмадим онамга.
Кимлар баъзан бир четда
Ҳавас билан боқдилар,
Яна кимлар «Мен» сабаб
Ёндирдилар, ёқдилар.
Дебман: зийнатим – исмим
Шайдо қилибди мани.
Билсам отам заҳмати
Зебо қилибди мани.
Бола эдим – кўзимда
Фақат орзу ёнарди,
Даволади мени вақт,
Орзуларим қонади.